

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2021 йил март ойининг 9 куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилояти [REDACTED] туман судининг очик сайёр суд мажлиси, [REDACTED] тумани “ [REDACTED] маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Г.Негматов, судья ёрдамчиси А.Захидовнинг котиблигида, томонлардан [REDACTED] туман прокурори ёрдамчиси Ш.Норқулов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси А.Исоқов, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, судланувчи [REDACTED] айблашга оид 1-1401-2101/20-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1984 йил 22 август куни [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, масумий ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED] тумани, “ [REDACTED] ” маҳалласи, [REDACTED] ” қишлоғида яшайди, “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 26 февраль куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED], 2021 йил 21 январь куни соат 21:30 ларда, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, [REDACTED] туман “ [REDACTED] маҳалласи “ [REDACTED] қишлоғида жойлашган фуқаро [REDACTED] тегишли бўлган молхонага ғайриқонуний равишда кириб, молхонада бўлган [REDACTED] тегишли бўлган, баҳоси 10.000.000 сўмлик бир бош, қора рангли қорамолини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинаётганда ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилиб фототасвирга олинганидан сўнг, қўрқиб қолганидан талон-торож қилган қорамолни [REDACTED] молхонасига қайтариб олиб бориб қўйганлиги сабабли, жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказа олмаган.

Судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб,



ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 21 январь куни кечки вақт [REDACTED] тумани “ [REDACTED] ” маҳалласи “ [REDACTED] ” қишлоғида яшовчи опаси [REDACTED] яшаш уйига бориш мақсадида уйдан чиққани, ишлаб чарчаганлиги сабабли дўкондан тахминан 0,5 литр вино спиртли ичимлигини ичгани, опасининг уйига бориш мақсадида йўлга чиққани, “ [REDACTED] ” маҳалласи “ [REDACTED] ” қишлоғи ҳудудидан ўтиб кетишда соат 21:30 ларда бир молхонани кўриб, молхонага иккита кириш жойлари борлигини, эшиклари йўқлигини, кириш жойи мато билан ёпиб қўйилгани, матонинг орқасидан тахта бўлаклари билан тираб қўйилгани, молхонада қорамоллар боқилаётганлигини билиб, қорамол ўғирлаш фикри пайдо бўлгани, ён-атрофни кузатиб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, молхонага кириш жойига тутиб қўйилган матонинг орқасидан тираб қўйилган тахта бўлақларини олиб ташлаб молхонага кириб, охурлар ёнига бир нечта қорамоллар боғлаб қўйилгани кўриб, ўнг томондаги учинчи боғлаб қўйилган қора рангли каттароқ қорамолни ўғирлаб олиб чиққани, яшаш уйига йўлда олиб кетаётганда қишлоғи ҳудудидаги қирнинг ёнида “ [REDACTED] ” русумли автомашина келаётганлигини кўриб, панарокқа ўтишига қарамасдан ушбу автомашина ёнига тўхтаб, автомашинадан уч нафар ИИБ ходимлари тушиб ўзларини таништириб, ушбу қорамолни қаердан олиб кетаётганлигини ва исм, фамилиясини сўраганини, ходимларга ўзининг фамилия исмини эмас бошқа фамилия ва исмни айтиб, қорамол ўзига тегишли эканини, қочириб келаётганлигини айтганини, ИИБ ходимлари қорамол билан уни фотосуратга олиб қўйиб юборишгани, қорамолни етаклаб яшаш уйига қараб кетаётганида ИИБ ходимлари барибир ўғирлаб олганлигини билиб топиб олишини ўйлаб ушбу ўғирлаб олган қорамолни яна ўғирлаб чиққан жойига қайтариб олиб бориб молхонанинг кириш жойидан ичкарига киргизиб юборгани, уйига қайтиб келгани, бир оз вақт ўтиб уйига ИИБ ходимлари келишиб туман ИИБга олиб кетишгани, ҳолат юзасидан сўрашганида бўлган воқеани тўлиқ айтиб бергани, ўғирламоқчи бўлган қорамоли “ [REDACTED] ” маҳалласида яшовчи фуқаро [REDACTED] тегишли эканини, ҳозирги кунда қилган ишларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бугунги кунга келиб ҳаракатларининг оқибатларини тўлиқ тушуниб етганлиги, бошқа жиноят содир қилмаслигини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, ундан кечирим сўраганлиги, суддан унинг оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам фермер хўжалиги ерлари [REDACTED] ” маҳалласи [REDACTED] қишлоғида жойлашгани, у ерда молхона ва шийпони борлиги, шийпонда ишчиси [REDACTED] турмуш ўртоғи билан яшаб келиши, ишчиси [REDACTED] қорамолларга қараши, 2021 йил 21 январь куни соат 14:00да молхонасига бориб қорамолларидан хабар олгани, 46 бош қорамолларимнинг барчаси боғланган ҳолатда тургани, кейин уйига қайтиб кетгани, соат 21:30ларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб бир бош қорамолни номаълум шахслар ўғирлаб кетганлигини айтгани, у ерга етиб бориб бир бош қорамоли



йўқлигини кўрганлигини, ўзлари қидириб, топишмаганидан сўнг соат 01:30ларда туман ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, соат 04:30 ларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб, бир бош йўқолган қорамол оғилхонада бўш юрганлигини кўрганлигини айтгани, молхонасига борганида йўқолган бир бош қорамоли ҳақиқатдан молхонага ташлаб кетилганини билгани, ИИБ ходимларининг аниқлашича, “[REDACTED]” маҳалласи “[REDACTED]” қишлоғида яшовчи [REDACTED] ўғирлаб кўчада етаклаб кетаётганида ИИБ ходимлари [REDACTED] ушлаб олиб суриштириб қўйиб юборишганидан сўнг, қўрққанидан бир бош қорамолни оғилхонага олиб бориб молхонага қўйиб юборганини, етказилган зарар бартараф қилинганлиги, шу сабабли унинг ҳозирги кунда судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, уни кечирганлиги, суддан унинг ёшлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] даласи” фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаши, 46 бош қорамолларини боқиб келиши, 2021 йил 21 январь куни соат 21:30ларда бузоқчани мўраган овозини эшитиб ташқарига чиқиб молхонадан хабар олганида бир бош қорамол жойида йўқлигини кўргани, ўғирлаб кетилганини тушуниб, [REDACTED] кўнғироқ қилиб хабар бергани, [REDACTED] келганидан сўнг қорамолни қидириб топаолишмаганидан сўнг, соат 01:30ларда туман ИИБга ариза билан мурожаат қилиш мақсадида кетгани, соат 04:30ларда қорамоллардан хабар олиш мақсадида молхонага келганидамолхонанинг йўқолган бир бош қорамол молхонада бўш ҳолатда турганини кўриб [REDACTED] хабар бергани, ИИБ ходимларидан ушбу бир бош қорамолни [REDACTED] ўғирлаб олиб кейин йўлда ИИБ ходимларини кўриб фотосуратга тушириб олгани учун қўрққанидан қайтариб олиб келиб қўйганини билгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 21 январь куни туман ИИБ раҳбариятининг кўрсатмасига асосан профилактика инспекторлари [REDACTED] ва [REDACTED] билан тунги хизматга жалб қилингани, [REDACTED] бошқарувидаги “[REDACTED]” русумли автомашинада “[REDACTED]” маҳалласи ҳудудида юрган вақтида, соат 22:30 ларда бир шахснинг қорамол етаклаб келаётганлигини, автомашинани кўриб ўзини панага олганлиги сабабли тўхтаб унга ўзларини таништириб ундан ушбу олиб кетаётган қорамоли кимга тегишли эканлиги сўралганида ушбу шахс мазкур қорамолни ўзига тегишли эканлигини ушбу қорамолни танишининг хўккизига қочириб келаётганлигини айтгани, фамилия ва исми ёзиб, ушбу шахснинг бир бош қорамолни ушлаб турганлигини бир нечта фотосуратга тушириб олишгани, соат 01:30да туман ИИБ НҚнининг навбатчиси, [REDACTED]” маҳалласида яшовчи фуқаро [REDACTED] ариза билан мурожаат қилиб, “Оққовун” қишлоғида жойлашган молхонасидаги бир бош қорамолини номаълум шахс ўғирлаб кетганлигини кўнғироқ қилиб хабар қилгани, тезкор суриштирув ишлари давомида “[REDACTED]” маҳалласи ҳудудида кўрган ва



фотосуратга тушириб қўйиб юборган бир бош қорамол етаклаб кетаётган шахс [REDACTED] эканлиги, бошқа исм ва фамилия билан таништирганини, уларни кўрганидан сўнг кўрқиб молни жойига қайтариб қўйиб келганини аниқлашгани, тегишли хужжатлар расмийлаштириб туман ИИБ хузуридаги Тергов бўлимига топширишгани ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ сифатида сўроқ қилинган [REDACTED] суд муҳокамасида, судда сўралган гувоҳ [REDACTED] суд муҳокамасида берган кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, худди шу мазмунда кўрсатув бериб ўтди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, унинг суддаги айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида ўқиб эшиттирилган гувоҳ [REDACTED] ўғлининг кўрсатуви (и.в.55-58), жабрланувчининг аризаси (и.в. 2), воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар (и.в. 3-10), жабрланувчининг тилхати (и.в.35), нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото суратлар (и.в. 69-71), кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси, унга илова қилинган фото суратлар ва диск (и.в. 72-77), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақида қарор (и.в. 78) ҳамда жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] тегишли бўлган бир бош қорамолини яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25-моддаси 2-қисмида, қасдан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши назарда тутилган.

Иш ҳолатига кўра, судланувчи [REDACTED] 2021 йил 21 январь куни кечаси “ [REDACTED] ” маҳалласи “ [REDACTED] ” қишлоғида жойлашган [REDACTED] молхонасидан бир бош қорамолини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан ўзининг яшаш қишлоғига олиб келган вақтида, туман ички ишлар бўлими ходимлари [REDACTED] ва [REDACTED] томонидан аниқланиб қолганлиги сабабли бошлаган жиноятини охириги етказолмай, талон-торож қилинган бир бош қорамолни жойига қайтариб молхонага қўйиб юборган. [REDACTED] аниқланиб қолгани сабабли қўлга киритган ўзганинг мулкани эркин тасарруф этиш (фойдаланиш, ўзлаштириш, сотиш, ўтказиш, ҳадя этиш, алмаштириш, йўқ қилиш ва ҳоказолар) ҳуқуқига эга бўлмасдан туриб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўғирлик жиноятини охирига етказа олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорининг



13-бандида “Шахс томонидан жиноятлар мажмуини ташкил этувчи тугалланган ва тугалланмаган жиноятлар содир этилганда ҳар бир жиноят учун алоҳида – тугалланмаган жиноят ЖК 25-моддаси тегишли қисми ҳамда ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан, тугалланган жиноят эса – бевосита ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан квалификация қилинади” деб кўрсатилган.

Шу сабабли, суд судланувчи [REDACTED] ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишга суиқасд қилишда ифодаланган жинойи хатти-ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “г” бандидан ЖК 25,169-моддаси 2-қисми “г” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасида назарда тутилган мастлик ҳолатида жиноят содир этиши жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо турини тайинлашда ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” ҳамда 3-бандида, “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” – деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, уларнинг ягона боқувчиси эканлигини, моддий аҳволини, жиноят иши юзасидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берганлигини, муқаддам судланмаганлигини инobatга олиб, инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб ҳам тарбиялаш мумкинлиги ҳақидаги хулосага келиб, унга юқоридаги ҳолатларни жазосини енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, ЖК 25,169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Суд, иш бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган бир бош қора мол жабрланувчи [REDACTED] ўзига тергов жараёнида тилхат орқали қайтарилганлигини инobatга олади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди билан, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача чиқиши чеклансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддаси 3-қисмига асосан:

- озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни кафе, бар, ресторанларга бормаслик;

- спиртли ичимликларни истеъмол қилмаслик;

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- вилояти ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқлар юклатилсин.

тақиқларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш туман ИИБга юклатилсин ва жазони ўташ муддати, судланувчи жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида туман суди орқали вилоят судининг жиноят ишлари буйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест бериш ҳуқуқига эга.

Белгиланган муддат ўтганидан сўнг берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик этувчи судья:

Г.Негматов

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

